ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖИНИНГ ИННОВАЦИОН МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР ТАКОМИЛЛАШУВИДАГИ ЎРНИ

Б. Б.Иминов

Мақолада янги ривожланиш босқичида олий таълимда рақобатбардош кадрлар тайёрлашга инновацион ёндашув масалалари тадқиқ қилинган. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни ислоҳ қилишнинг мамлакатимизда ислоҳотлар жараёнининг чуқурлашуви билан боғлиқ муаммолари ўрганилган. Шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласининг бўлажак бакалавр, магистрлар орасида олиб бориладиган маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни такомиллаштириш билан боғлиқлиги қайд этилган.

***Калит сўзлар**: фуқаролик жамияти, олий таълим, реформа, университет, ёшлар, инновация, кадрлар, бакалавр, магистр, янги ривожланиш даври.*

В статье рассматриваются актуальные вопросы инновационного подхода к подготовке конкурентоспособных кадров в системе высшего образованияв условиях нового периода развития. Автор исследует проблемы реформирования подготовки высококвалифицированных кадров в условиях углубления реформ. Рассмотрена связь данного вопроса с необходимостью совершенствования идейно-воспитательной работы среди будущих бакалавров и магистров.

***Ключевые слова:** гражданское общество, высшее образование, реформа, университет, молодежь, инновация, кадры, бакалавр, магистр, новый этап развития.*

The article deals with urgent issues of innovative approach to preparation of competitive personnel in the system of higher education in the conditions of new development period. The author investigates problems of reforming of the preparation of highly-skilled personnel in the conditions of deepening reforms. In this connection issues of necessity of perfection of ideological educational work among future bachelor and master degree students are considered.

***Keywords**: civil society, higher education, reform, university, youth, an innovation, shots, bachelors, masters, a new stage of development.*

Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида олий таълим тизимидаги ислоҳотлар чуқурлашиб, янги тараққиёт даврига кирди. Ушбу жараён инновацион маданий муносабатлар, Ўзбекистон Республикасининг ривожланган демократик давлатлар, жумладан, қўшни мамлакатлар билан маданият, фан ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги алоқалари кенгайишига олиб келди, фуқаролик жамияти ривожланишини таъминлайдиган муҳим омил сифатида намоён бўлди.

Олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган юқори малакали профессор-ўқитувчиларнинг ривожланаётган фуқаролик жамияти шароитидаги ижтимоий ўрни тобора ошиб боряпти. Бу жараён бевосита рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш, ватанпарвар, юксак маънавий, ахлоқий ва сиёсий маданиятга эга кадрларни тарбиялаш, ижтимоий, иқтисодий жабҳаларда ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ ҳамда фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ижтимоий, иқтисодий тармоқларнинг малакали кадрларга бўлган талабини қондиришга хизмат қилади. Шунингдек, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг янги ривожланиш давридаги муҳим вазифаси “аҳоли ўртасида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятда миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик тамойилларни қарор топтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмунмоҳиятини кенг жамоатчиликка самарали етказиш”да иштирок этиш ҳамдир [1.1].

Юқори малакали кадрларнинг маънавий-маърифий тарғибот ишларидаги фаоллигидан фойдаланиш зарурияти, уларнинг тарғибот ишларини талаблар даражасида олиб бориш имконияти мавжудлиги, илмий-услубий маҳорати, илмий материаллар асосида тузилган маърузаларининг назарий, амалий, статистик материаллар билан бойитилгани, ёшлар билан ишлашда орттирилган тажриба, мавзунинг асосий мазмунини замонавий методик даражада аудиторияга етказиш маҳорати маънавий, ахлоқий, маърифий йўналишдаги тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлайди. Шу муносабат билан “жаҳолатга қарши маърифат” ғояси асосида жамиятда узлуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот иш-

ларини ташкил этишнинг стратегик йўналишлари, таъсирдор, креатив ва инновацион услубларини ишлаб чиқиш, тинчлик ва осойишталикка, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига, қадрият ва урф-одатларга ҳамда инсонпарварлик ғояларига хавф солувчи турли ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали тарғибот ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ [1.1].

Демократик ислоҳотлар давридаги миллий ривожланиш тарихида, суверен мамлакат тараққиётида, унинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришида, барқарор ривожланишида, маданий алоқаларида муҳим аҳамият касб этадиган асосий қомусимиз “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”да ҳар бир шахснинг жинси, миллати, эътиқодидан қатъи назар, билим олиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилганлиги демократик ва ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг ривожланиши, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш, инновацион маданий алоқаларнинг асосидир. Шунингдек, демократик ислоҳотлар натижасида жамиятнинг барча қатламлари, шу жумладан, ёшлар узулуксиз таълим тизимига жалб қилинди, ушбу жараённинг муҳим бўлаги олий таълимнинг жамият тараққиётида муҳим омил эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Янги ривожланиш босқичида, демократик ислоҳотлар чуқурлашуви даврида олий таълим ва фан интеграциясининг жамият ривожидаги, халқаро маданий алоқалардаги ўрни, унинг жамият тараққиётида зарурлигидан келиб чиқиб янада такомиллаштириш учун, ёшлар олий таълим билан боғлиқ бўлган манфаатларини ҳал этиш нуқтаи назаридан, фалсафий жиҳатдан тадқиқи долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади.

Ўзбекистонда узлуксиз таълимда ва рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда мустақил сиёсат олиб борилди ва уни ташкил этишнинг янги усуллари, методологик асосларини ривожлантириш, такомиллаштириш имкониятлари вужудга келди.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта жаҳон талабларига жавоб бера оладиган миллий кадрлар тайёрлаш дастурининг асосий йўналишларига доир салмоқли ижодий фикрлар, тавсиялар, илмий хулосалар Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, фармонлари, қарорларида ўз ифодасини топди, яъни олий таълимни концептуал ривожлантиришнинг механизмлари, ижро этишда фойдаланиш мумкин бўлган омиллар мажмуаси асослаб берилди.

Олий таълим ва замонавий фаннинг мамлакат тараққиётидаги алоҳида ўрни, яъни давлат тасарруфидаги олий таълим муассасалари ва хусусий университетлар орасидаги ўзаро ҳамкорликнинг имкониятлари, пировард натижада инновацион маданий алоқалар ривожидаги миссияси мазмуни очиб берилди.

Янги тараққиёт босқичида олий таълимнинг инновацион маданий алоқалар ривожидаги ўрнига эътибор бериш, унинг илмий-фалсафий таҳлилини янада чуқурлаштиришда турли фанлар вакилларининг фаол иштироки, илмий тадқиқотлар интеграцияси зарурати ҳам вужудга келди. Бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабаблари қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашуви шароитида узлуксиз таълим жараёни, унинг муҳим қисмини ташкил этувчи олий таълимсиз малакали кадрлар тарбияси, уларнинг махсус билимларга эгалиги, жамият талабларига мос шахс сифатида камолга эришиши муаммосини ҳал қилиб бўлмайди.

Иккинчидан, ижтимоий, иқтисодий тараққиёт сиёсий жараёнларда шахснинг фаол иштироки, ислоҳотлар мақсади ва мазмунини тўлиқ англаши, уни амалга оширишда фаол иштирок этишини талаб қилади. Бунга фақат таълим воситалари, олий таълим муассасаларининг бевосита иштирокида фан ва таълим интеграциясини чуқурлаштириш орқали эришилади.

Ушбу устувор аҳамият касб этувчи масала юқори малакали кадрлар иштирокини талаб қилувчи жараён экани туфайли таълим ва фан интеграцияси соҳасида чуқур ислоҳотлар ўтказиш вазифасини илгари суради. Бу жараён мактаб таълими, ўрта махсус таълим ва олий таълим муассасалари, махсус академиялар фаолиятини такомиллаштириш, иқтидорли ёшларнинг олий таълим муассасаларидаги самарали фаолиятини ташкил этишни талаб қилди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда университетларнинг янги авлоди шакллантирилди. Қайд этиш лозимки, 2018 йилда давлатимиз раҳбарининг илм-фанни ривожлантиришга қаратилган 11 та фармон ва қарори қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларда фан тармоқларининг ислоҳотлардаги ўрнига алоҳида эътибор берилган, академиклар қатори кенгайтирилган, янги илмий тадқиқот институтлари ташкил этилган [2.5].

Таълим тизимидаги ислоҳотлар давомида Ўзбекистонда олий ўқув юртлари жаҳон стандартларига мос равишда фаолият олиб бора бошлади. Уларда икки босқичли таълим тизими: бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашга киришилди. Университетлар ўқув режалари батамом янгидан тузилди. Демократик жараёнлар ва бозор иқтисодиёти муносабатларига мос, жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган фанлар олий таълим муассасалари ўқув режасига киритилди. Шу би-

лан бирга, мамлакатимизда иқтидорли ёшларнинг олий таълим муассасаларига жалб қилиниши, бакалавр, магистратура тизимида ўқиш жараёнини жаҳондаги етакчи университетлар даражасида ташкил этиш йўлида олиб борилаётган ишларда маълум камчиликлар мавжуд. Инновацион ривожланиш концепциясининг амалий аҳамияти ва унинг иқтидорли ёшлар камолотидаги ўрнига алоҳида эътибор берилишига сабаб ҳам ёшлар камолотига, кадрлар тайёрлаш тизимига берилаётган эътибордир. “Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9 – 10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар туфайли биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60 – 70 фоизни ташкил этади. Шунинг учун 2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш – муҳим вазифамиздир” [3.1].

Рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимида олиб борилган ислоҳотлар туфайли олий таълим муассасаларида муҳим бўғин ҳисобланган малакали профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, қайта тайёрлашнинг янги тизими вужудга келтирилди.

Биринчидан, олий таълимда профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш соҳасининг рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш жараёни талабларига жавоб берадиган замонавий тизими яратилди ва амалиётга жорий қилинди. Таълимнинг ушбу соҳасини мазмун ва шакли билан халқаро талаблар даражасида ташкил этишга ҳаракат қилинди.

Иккинчидан, университетлар ўқув режаларидаги малакали кадрлар тайёрлашда муҳим манба ролини бажарадиган ижтимоий, гуманитар, махсус ва мутахассислик фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлоди яратилди ва такомиллаштириш иши давом эттирилди.

Учинчидан, олий таълим муассасаларига ишга жалб қилинаётган иқтидорли ёшларнинг талабалар орасида ўтказилган турли илмий танловларда иштирок этганлиги, талабалар илмий тўгаракларидаги фаоллиги, инновацион мазмундаги ташаббусларга эгалиги, хорижий тилларни билиши, илмий педагогик салоҳиятга эга эканига эътибор кучайтирилди.

Янги ривожланиш босқичида олий таълим муассасалари тизимида фан ва таълим, маданий алоқалар интеграциясида муҳим ўрин эгаллайдиган фаолият, яъни халқаро алоқалари кенгайтирилди. Умуман, янги ривожланиш даврига келиб, дунёнинг етакчи мамлакатлари университетлари ўз филиалларини малакатимиз пойтахти ва бошқа шаҳарларда оча бошлади. Улар орасида Америка Қўшма Штатларининг Вебстер университети, Австриянинг Кремс университети, Ҳиндистоннинг Амети университети, Россия Федерациясининг, Жанубий Корея ва Хитой Халқ Республикасининг етакчи олий таълим муассасалари филиаллари бор. Шунингдек, хорижий давлатлар хусусий университетлари ўзларининг филиалларини очди. Мамлакатимизнинг етакчи олимларига хорижий университетлар фахрий профессори унвонлари берилди, халқаро академияларнинг аъзолигига сайланди, иқтидорли олимлар илмий ишланмалари натижасига кўра халқаро даражадаги мукофотлар соҳибига айланмоқда. Фан соҳасида жуда катта ютуқларга эришган профессорлар Кембриж университети томонидан дунёдаги машҳур профессорлар рўйхатига киритилди. Профессор-ўқитувчиларнинг малака ошириши масаласига олий таълимни модернизациялаш, жамиятда юқори малакали кадрларнинг ижтимоий мавқеи ошиб бораётгани нуқтаи назаридан ёндашилди. Дунёдаги етакчи университетларда, жумладан, АҚШнинг Гарвард, Тафт, Буюк Британиянинг Кембриж, М.В.Ломоносов номли Москва давлат университети, Санкт-Петербург университети, Япония, Жанубий Корея, Хитойнинг етакчи университетларида стажировкадан ўтиш имкониятлари вужудга келди [4.3]. Бундай ҳолат фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида ислоҳотлар тизимида малакали кадрлар ролининг муҳимлиги ва уларнинг салоҳиятини мунтазам юксалтириш заруратини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, индустриал цивилизациядан инновацион тараққиётга ўтиш жараёни чуқурлашиб бормоқда. Бу жараён бевосита янги инновацион билимларга эга бўлган малакали кадрлар фаолиятига боғлиқ. Бундай мураккаб ижтимоий вазифа ечимида хорижий тажрибадан самарали фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равнақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлари, мамлакатимиздаги илмий марказлар “Эл-юрт умиди” жамғармаси билан яқин ҳамкорликда самарали иш олиб бориши керак” [5.1].

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, олий таълимдаги ўзгаришлар жамиятда, унинг янги ривожланиш босқичида инсон манфаатларини таъ-

минлашга қаратилган ислоҳотларнинг бевосита давомидир. Олий таълим тизимидаги жараёнлар рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уни замонавий ёшлар талаб ва истаклари даражасида, халқаро талабларга мос равишда ташкил этишга қаратилгандир.

Инновацион маданий алоқалар, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга хизмат қиладиган, мамлакатимизнинг чегарадош давлатлар билан аҳил қўшничилик муҳитини шакллантиришни, халқаро обрўсини мустаҳкамлашни, унинг ижтимоий, иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшишни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайдиган миллий кадрларни тайёрлаш асосий стратегик вазифалардан бири ҳисобланади.

Олий таълим тизимидаги ислоҳотлар ушбу жараёнда иштирок этаётган профессор-ўқитувчилардан мунтазам суратда касбий маҳоратини юксалтиришни талаб қилади. Олий таълим тизимининг халқаро таълим муносабатларига тобора чуқур интеграциялашуви сабабли профессор-ўқитувчилардан кадрлар тайёрлашдаги халқаро тажрибани яқиндан ўрганиш, ундан ўқув, услубий ишларда самарали фойдаланиш йўлларини излашни талаб қилади.

Олий таълимнинг инновацион маданий алоқалардаги ўрнини ҳисобга олиб, фан ва таълим интеграциясини янада такомиллаштириш, ривожланган давлатларнинг нуфузли илмий журналларида олий таълим муассасаларининг илмий тадқиқотлари натижаларини чоп этиш, илмий мақолалар эълон қилиш вазифасини илгари суради.

Олий таълим муассасаларида фанларни ўқитиш учун зарур бўлган дарслик ва ўқув қўлланмаларининг янги авлодини вужудга келтириш, такомиллаштириш давр талабидир. Шунинг учун талабаларга етарли даражада ўқув материалларини етказиш имкониятларини топиш, олий ўқув юрти ҳузуридаги босмахоналар фаолиятини такомиллаштириш лозим. Шунингдек, хорижий талабалар, рус тилида таълим оладиган бакалавр ва магистрантлар учун мўлжалланган рус ва инглиз тилидаги материалларни, дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва етарли нусхада чоп этиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил 6 май. – 18-сон, 353-модда.

2. Саидов А. Каким быть закону “О науке”. – Москва: Политика, 2018.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь // https://president.uz/uz/lists/view/2228

4. Ўзбекистонлик мутахассислар Гарвард ва Тафт университетларига боради // http://old.xs.uz/index.php/homepage/fan-va-talim/item/13734-1

5. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

Фарғона давлат университети,
2019 йил 11 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. М.Нишонов)